




* **“Чимилдик” да: Шухрат ҚАЮМОВ ёқтирган қиз**
 * **20та сигарета чексангиз неча йил яшай оласиз?**
 * **Муҳаммад АЛИнинг қизи ринг қироличаси бўлмоқчи**
 * **Саксон ёшида ишқий мактуб ёзган ошиқ**



Туркистон Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган **ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ** 2000 йил 2 февраль Чоршанба. № 10 (14292)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ИСЛОҲОТЛАР ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР БЎЙИЧА ИДОРЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИГИЛИШИДАГИ МАЪРУЗАСИ

Хурматли кенгаш қатнашчилари!
 Қадри меҳмонлар!
 Хонимлар ва жаноблар!
 Ислохотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишининг бугунги мажлиси кун тартибига битта, лекин кенг қамровли ва ҳал қилувчи масала, яъни мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни янада эркинлаштириш масаласи қўйилган.

Айнан шу масаланинг кун тартибига қўйилгани нима билан изоҳланади? Унинг долзарблиги нимада?
 Бунинг бир неча сабаблари бор.

Биринчидан, биз мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида иқтисодий ислохот қилишнинг устувор йўналишлари бўйича ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларни асосан амалга ошириб бўлдик.

Мамлакатимиз чуқур иқтисодий таназзул давридан ўтиб олди, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришди, иқтисодий ўсиш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда туб таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусий мулкчиликнинг ҳуқуқий асослари яратилди ва у ҳаётимиздан мустақам ўрин эгаллади. Амалда кўпқатли иқтисодий шаклланимизда.

Нодавлат сектори аксарият тармоқларда, умуман иқтисодий ҳаётимизда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Кўпгина давлат корхоналари мулкчиликнинг хусусий ёки ҳиссадорлик шаклларига ўтди.

Иқтисодийнинг бошқарув тизими тубдан ўзгартрилди. Тармоқ вазирликлари тугатилиб, ишлаб чиқариш тармоқлари ва соҳаларини бошқаришнинг бозор иқтисодиёти шароитида ҳўжалик юритиш талабларига кўпроқ мос келадиган янги тизими ташкил этилди. Бозор инфратузилмаси асослари барпо қилинди.

Иккинчидан, республикамизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг пайдовори бўлиб хизмат қиладиган, уларнинг орта қайтмаслигини кафолатлайдиган мустақам

ҳуқуқий замин яратилди.

Учинчидан, мустақиллик йилларида одамларимизнинг тафаккури, дунёқароши, ҳаётга бўлган муносабати ҳам тубдан ўзгарди. Турмуш даражаси, оиласининг фаровонлиги, энг аввало, ўзига боғлиқ эканини тушуниб етаётган одамлар тобора кўпайиб бормоқда.

Тараққиётимизнинг бугунги босқичида инсон омили жамиятимизни ҳаракатга келтирувчи қудратли кучга айланди. Унинг янада ривожланиши ва янги қирраларининг очилиши учун барча зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш, яъни, тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш, ҳар бир кишининг ташаббус кўрсатиши учун кенг имконият яратиш талаб этилмоқда.

Тўртинчидан, Ўзбекистон бутун дунёда халқаро ҳуқуқ ва жаҳон ҳўжалик алоқаларининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида тан олинди ва унинг бу мавқеи мустақамланиб бормоқда.

Шу билан бирга, биз жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёнида ҳал этилмаган кўп муаммолар мавжудлигини ҳам инкор этолмаймиз. Бу муаммолар қонунчилигимизни янада такомиллаштириш ва халқаро ҳуқуқ мезонларига мослаштириш, ташқи иқтисодий ва валюта сиёсатини янада эркинлаштириш билан боғлиқдир.

Бешинчидан, маъмурий-буйруқбозлик, бюрократик тизимнинг асоратларидан тўла халос бўла олмаган амалдаги ҳўжалик юритиш механизми ташаббус ва тадбиркорликнинг кенг ёйилишига, товар, меҳнат ва капитал бозорининг етарли даражада такомиллашувига имкон бермапти. Айниқса, унинг меҳнатни, юқори пировард натижаларга эришишни рағбатлантира олмаётгани билан асло мурося қилиб бўлмайди.

Олтинчидан, юртимизда кўппартиявийлик ва мўқобиллик асосида Республика Президентини ва қонун чиқарувчи орган - Олий Мажлисга бўлиб ўтган сайловлар халқимизнинг жамиятни демократлаштириш ва янгилаш бора-бора ўтказилаётган ислохотларни изчил ривожлантириш ва янада чуқурлаштиришга қаратилган хоҳиш-истагини яна бир бор намоён этди.

Бизнинг асосий ва муқаддас вазифамиз - одамларнинг ана шу

ишонч ва умидларини оқлашдир. Халқимиз ўз олдига қўйган юксак мақсадлар - демократик жамият, жаҳон ҳўжалик тизими билан кенг кўламда интеграциялашган, барқарор бозор иқтисодиётига эга бўлган ҳуқуқий давлат қуриш борасида барча чора-тадбирларни кўриш, зарур шарт-шароитларни барпо этишдан иборат.

Ваниҳоят, бугун замоннинг ўзи, ҳаётнинг ўзи биздан бу йўлда янги, янада аниқ, қатъий қарорлар қабул қилишни талаб этмоқда.

Биз янги аср бўсағасида, янги минг йиллик арафасида турибмиз. Бизнинг келажагимиз, бизнинг олдинга интилишимиз, Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат тақсимотида тутган ўрни бугунги кунда кўп жиҳатдан туб ўзгаришларни тақозо этаётган замон талабларига мос келадиган қарорлар қабул қилиш йўлида қандай қадамлар қўйишимизга боғлиқ.

Бир сўз билан айтганда, биз ҳозир ҳаётимизнинг барча жабҳаларини, биринчи галда иқтисодий соҳани ислохот қилишни чуқурлаштиришнинг янги, янада мураккаб, айтиш мумкинки, янада масъулиятли босқичи олдида турибмиз.

Шу нарса аниқки, агар биз ислохотларни чуқурлаштирмасак, иқтисодий янада ислохот қилиш учун зарур ҳуқуқий, ташкилий ва амалий шарт-шароит яратмасак, фақатгина шаклланган мавжуд вазият билан чекланиб қолсак, айрим тармоқ ва соҳаларда ислохотлар суст бораётганига нисбатан сабаб бўлаётганини атрофлича таҳлил қилмасак, бу ҳол иқтисодий барқарорлаштиришга эмас, балки, унинг бир жойда депсиниб туриб қолишига олиб келади.

Шубҳа йўқки, бундай вазиятда бизнинг ривожланишдан тўхтаб қолишимиз мўқаррдир. Чунки баланларнинг қақариқлар ва қуруқ даъватлар билан амалда олға силжишни таъминлаб бўлмайди.

Бу мени гоят ташвишлантиради. Шу боис, сиз, ушбу анжуман иштирокчиларига, барча жамоатчиликка мурожаат қилиб, биз бугун масъулиятли ва мураккаб бир вазиятда турганимизни тушунишингизни, энг муҳими, англаб етишингизни истайман.

Афсуски, биз жамиятни, биринчи навбатда, иқтисодий

ислохот қилиш борасида эришган ютуқларимизни таъкидлаш билан чекланиб қолмоқдамиз. Албатта, бу натижаларни ҳеч ким инкор этолмайди. Бу бизнинг бойлигимиз, аниқроғи, тарихимиздир.

Шуни қайта-қайта таъкидлашга тўғри келадики, биз ана шу ютуқларимиз билан ўзимизни тинчлантириб қолмоқдамиз. Ўзимиз тасалли бергандек бўламиз.

Тўғри, ютуқлар, муваффақиятлар ҳақида ҳолисона гапириш керак. Лекин, аввало, мавжуд муаммолар, бизнинг олға интилишимизга халақит бераётган камчиликлар, ислохотлар йўлидаги тўсиқ-говлар, ҳали ҳануз ишга солинмаган резерв ва имкониятлар ҳақида кўпроқ бош қотиришимиз лозим.

Энг муҳими шундаки, биз бугунни эмас, эртанги истиқболни ўйлаб яшашимиз керак. Ўз келажагимизни аниқ ва равшан тасаввур этишимиз, эртани кўзлаб, бугунги мавжуд муаммоларни зудлик билан ечишимиз даркор.

Мен оддий бир ҳақиқатни барча тушуниб олишини истайман: эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш - бу бизнинг олға интилишимизнинг кафолати ва асоси, у нафақат иқтисодий, балки, ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий вазифаларни ҳал қилишнинг асосий шартидир. Бу муаммонинг иккинчи жиҳати ҳам бор.

Шу нарсени қайта-қайта такрорлашга тўғри келмоқда: Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизими билан интеграциялашувига эришмасдан туриб, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтирмасдан ва мустақамламасдан туриб, энг муҳими, хорижий инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб этмасдан туриб, яъни мен айтмоқчиманки, банк ва молия соҳаларида, реал иқтисодиётда, биринчи галда етакчи тармоқларда чет эл капиталининг иштирокини кенгайтирмасдан туриб, иқтисодий тизимнинг барқарор тараққиётини таъминлаш қийин. Бу ҳам барчамиз учун тушунарли бўлиши керак.

Жамиятимиз ривожланишининг ҳозирги босқичидаги асосий вазифалар айнан ана шу масалалардан иборат. Бугунги анжуманимизнинг моҳият эътиборини ҳам ана шу икки масала

белгилайди.

Бу гоят муҳим масалаларни муҳокама этиш учун биз бугунги йиғилишга нафақат Идоралараро кенгаш аъзоларини, балки, дўстларимиз - халқаро молия, иқтисодий ва юридик ташкилотлар, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган нуфузли халқаро банк ва компанияларнинг вакиллари ҳамда мамлакатимизда самарали фаолият кўрсатаётган йирик қўшма корхона раҳбарларини ҳам тақдир этганимиз шу маънода табиийдир.

Биз сизларнинг Ўзбекистонда олиб бораётган фаолиятингиз учун, айнан ўз қизиқишларингиз, ўз келажагингизни Ўзбекистон билан боғлаганингиз учун чуқур миннатдорчилик билдираимиз. Сизларнинг амалга оширган ишларингизни муносиб баҳолаймиз. Сизларнинг бир қатор долзарб масалаларни ҳал қилишга, биринчи навбатда бозор инфратузилмасини ривожлантириш ва умуман, бизнинг жамиятимизни демократлаштириш жараёнига имкон даражасида ҳисса қўшаётганингиздан миннатдоримиз.

Биз сизнинг иқтисодий ислохотларни ривожлантириш ишига янада кўпроқ кўмаклашиш борасидаги саъй-ҳаракатларингизни юксак қадрлаймиз ва бунга алоҳида аҳамият берамиз.

Биз ўз навбатида сизлар каби Ўзбекистонда фаолият юритаётган хорижий тузилмалар, компания ва банклар, халқаро ташкилотлар вакиллариининг ўз манфаатларини тўла рўйбга чиқаришлари учун барча имкониятларни ишга солишга тайёримиз.

Шу фурсатдан фойдаланиб, сизларга шуни маълум қилмоқчиман: мен шахсан Президент сифатида хорижий ҳамкорларимиз олдида турган, улар дуч келиши мумкин бўлган муаммоларни ўз вақтида ечиш ва бартараф этишни ўз вазифам, деб биламан ва керак бўлса, сизларнинг Ўзбекистондаги фаолиятингиз учун энг қулай шарт-шароит яратишига кафолат бераман.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ИСЛОХОТЛАР ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР БЎЙИЧА ИДОРЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИГИЛИШИДАГИ МАЪРУЗАСИ

(Давоми. Аввал 1-бетда)

Азиз дўстлар!

Энди Олий Мажлиснинг Иккинчи чақириқ биринчи сессиясида мен баён этган, биз учун ўта долзарб бўлган айрим масалалар хусусида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман. Б и р и н ч и д а н, келгусида ҳам иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан амалга ошириш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш.

Иқтисодиётни эркинлаштириш деганда биз нимани назарда тутмоқдамиз?

Бу, аввало, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш.

Бугун хусусий тадбиркорларнинг ўзига жуда қийинчилик билан йўл очаётгани, бозордан ўз ўрнини эгаллашда ақсарият ҳолларида давлат идораларидаги амалдорлар ва бюрократларнинг лоқайдлигига дуч келаятгани бизни ташвишлантиради.

Ҳўжалик юритувнинг бошқарув механизми, бу борадаги қонунчилик асосларининг етарли даражада мукамал эмаслиги натижасида давлат, маҳаллий ва назорат органларининг ўз ваколат ва ҳуқуқларини суистеъмол қилиб, қонунга зид равишда қорхоналарнинг ҳўжалик фаолиятига аралашуш ҳолларига асло йўл қўйиб бўлмайди.

Биз давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик функцияларини қисқартириш, унинг қорхоналар ҳўжалик фаолиятига, биринчи галда, хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклашни иқтисодиётни эркинлаштириш йўлидаги асосий вазифалардан бири, деб биламиз.

Биз хусусий бизнесга, иқтисодий фаолиятнинг бозорга ҳос механизмларига янада кўпроқ эркинлик бериш тарафдоримиз. Бунинг учун тегишли ҳуқуқий замин, ташкилий ва иқтисодий шарт-шароитларни яратишимиз керак.

Бунда асосий эътиборни институционал ўзгаришлар жараёнларини чуқурлаштиришга қаратиб, бошқарув тизимини янада такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Очиқ тан олиш керак: бу борада, айниқса, бошқарув тизимини эркинлаштириш, барча бўғинларда, яъни кичик бизнес билан шуғулланаётган оддий тадбиркордан тортиб, марказий иқтисодий органлар раҳбарларининг замонавий менежмент асосларини эгаллашида ҳал қилишни лозим бўлган қатор муаммолар бор.

Биз иқтисодиётни эркинлаштириш деганда банк ва молия тизимини бундан буён ҳам ислох қилишни назарда тутамиз. Албатта, бу борада кўпгина ишлар қилинмоқда. Лекин биз бу жараёндаги ишлар ҳали ниҳосига етмаган, деб ҳисоблаймиз. Банк тизимини тубдан мустахкамлаш, банкларнинг кредит бериш имкониятларини ва устав капиталини бўш маблағлар жалб қилиш ҳисобига кенгайтириш лозим.

Банклар инвестициялаш жараёнининг асосий бўғини, қорхоналарнинг чинакам ҳамкорига айланмоғи, уларнинг ривожланишидан манфаатдор бўлмоғи керак.

Биз банкларимизни кенг миқёсда хусусийлаштиришни мўлжаллапмиз. Бу борада ҳам сизларнинг фаол иштирокингизни, банкларнинг устав фондларидаги капиталнинг микдорини кўпайтириб боришингизни кутамиз.

Биз қўшма банклар ташкил қилиш, чет эл банкларининг ваколатхоналарини очиш ва уларнинг фаолият кўрсатишига катта эътибор берамиз. Ва бу борада яна қандай зарур чора-

лар кўришимиз кераклиги ҳақида сизларнинг фикр-мулоҳазаларингизни ҳам эшитишни хоҳлардик.

И к к и н ч и д а н, мамлакат иқтисодиётини эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш ҳақида гапирганимизда иқтисодиётимизнинг асосий негизини ташкил этувчи соҳа - қишлоқ ҳўжалигидаги ишларнинг аҳволи бизнинг диққат марказимизда турмоғи лозим.

Бунда қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотлар қишлоқ ҳаётида рўй бераётган жараёнларга, айниқса, мулкчилик масалаларига қай даражада чуқур таъсир қилаётганини танқидий кўз билан баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

Тан олиб айтиш керакки, ушбу масалалар қонунчилик нуқтаи назаридан қатъий ҳал этилганига қарамастан, амалиётда, ҳаётимизда қишлоқдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи субъектларга нисбатан ўзининг мантқиқий яқинини топмапти.

Афсуски, кўп нарсалар қоғозда қолиб кетмоқда. Ҳамон тармоқда расмиятчилик ва тўрачилик, ҳўжакўрсинга ишлаш ва кўзбўямачилик ҳоллари кўп. Энг ёмони, жойларда бозор иқтисодиёти тамойилларини яхши билмаслик ва профессионал малакага эга эмаслик каби салбий ҳолатлар кўпроқ намоён бўлмоқда.

Энг муҳими, биз ўзимиз учун шуни аниқлаб олишимиз керакки, қишлоқ ҳўжалигини ислох этиш ва қишлоқлар ўрнига ширкат ҳўжаликларини шакллантириш, жамоада пайчилик муносабатлари ва оила пудратини жорий қилиш асосида қишлоқда мулкчилик шакллари ўзгариши масалалари ётади.

Деҳқонлар тафаккурида ҳақиқий ҳўжайинлик, ўз ерига ва етиштирган маҳсулотига эгалик туйғусини тарбиялаш тўғрисида қайта-қайта гапиришга тўғри келмоқда. Давлат мулкчилигига асосланган, эски, ўзини оқламаган муносабатлар ўрнига ҳўжалик юритувнинг барча бўғинларида (деҳқончилик қилинадиган ерларни) мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи берилган ижара мулкчилигини жорий қилиш лозим.

Такоран айтаманки, ижара ва шартнома муносабатлари ширкат ва фермер ҳўжаликлари учун асосий ва ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Оила пудратининг асосини ижара ва ижара муносабатлари ташкил этмоғи лозим. Токи, оила пудрати одамларимизнинг ерга, мулкка ва қишлоқда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга муносабатини, энг асосийси, меҳнатга бўлган рағбатини бутунлай ва тубдан янгилаши зарур.

Бу ўринда энг муҳими - ҳар бир субъект учун шартнома муносабатларининг амалда аниқ ва тушунарли бўлган механизмни ишлаб чиқиш ва жорий этишдир. Янада муҳими - ҳўжалик юритуви ва бошқарувнинг барча бўғинларида уларнинг сўзиси ижро этилиши устидан ҳар бир томоннинг масъулияти ва назорат масалаларини ҳал қилишдир.

Яна бир масалани алоҳида таъкидлаб айтишни истар эдим. Яъни, қишлоқ ҳўжалиги нафақат эътиборга, балки, энг аввало, давлатнинг мунтазам амалий қўллаб-қувватлашига муҳтож бўлган тармоқдир. Буни ҳамisha ёдда сақлашимиз лозим.

Шу нарсани аниқ тасаввур қилиб олишимиз керакки, бундай ўта долзарб вазифаларни ҳал этмасдан туриб қишлоқда амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақиятига умид боғлай олмаймиз.

У ч и н ч и д а н, биз бозор инфратузилмасини, бизнесга хизмат кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган, унинг барча институтлари - консалтинг, маркетинг, инжиниринг, лизинг, сўғурта тизимлари фаолиятини ривожлантиришни устувор вазифа деб биламиз.

Республикада бозор инфратузилмасининг асослари яратилган, аммо улар ҳали ҳануз қор-

хоналарнинг бозор шароитига кенг ва фаол мослашувига кўмаклашувчи механизмга, бу жараёни тартибга солувчи ҳақиқий воситага айлангани йўқ. Биз иқтисодиётни бошқаришнинг ўз даврини ўтаб бўлган эски давлат тизими ўрнига бозор иқтисодиётига мос институтлардан ташкил топган мустақам тизимни тезроқ яратиш тарафдоримиз.

Т ў р т и н ч и д а н, биз кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш устувор йўналиш бўлиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Бугунги кунда кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодиётимиздаги маъқеи ва ўрни бизни қаноатлантирмайди.

Бугун кичик ва ўрта бизнес қорхоналарини ташкил этиш жараёни қандай амалга ошаётгани, тадбиркорлик тузилмаларининг хомашё, кредит ресурсларидан, асбоб-ускуна ва материаллардан, ўз маҳсулотларини бозорга чиқариш имкониятларидан тўла фойдалана олмаётгани бизни қониктирмайди.

Биз кичик, ўрта ва хусусий бизнес ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда нафақат ҳал қилувчи маъқе эгаллаши, балки унинг аҳоли фаровонлиги ва даромадлари ортишида, ишсизлик муаммосини ечишда, айниқса, кичик шахарлар ва қишлоқ жойларида иш билан таъминлашда муҳим омилга айланишини ўз олдимишга асосий вазифа қилиб қўймоқдамиз.

Бугунги кунда эндигина иш бошлаётган тадбиркорларга молиявий ёрдам бериш, хусусан, кичик кредитлар ажратиш тизимини яратиш масаласи ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Токи ўз ишини бошлаётган одам уни қўллаб-қувватлашларига, яъни ёрдам курсатишларига, жамиятнинг ўзи унинг муваффақиятидан манфаатдор эканига ишонч ҳосил қилсин. Оддийгина қилиб айтганда, агар инсон аввало ўз кучи ва имкониятларига таянган ҳолда, ўзи ҳамда оиласини таъминлашга ҳаракат қилаётган бўлса, жамият ва давлат четда қараб туриши мумкин эмас. Бундай одамга ҳар томонлама ёрдам бериш барчамизнинг бурчимиздир.

Кичик ва хусусий қорхоналар ташкил этиш, бу тизимнинг самарали ишлаши учун қулай шарт-шароит яратиш, уларнинг фаолиятини турли хил текширувчи ва назорат қилувчи идораларни тартибга чакориш зарур, деб ҳисоблаймиз. Бу ўринда биз кичик бизнес соҳаси учун билимдон, малакали бошқарув кадрларини тайёрлашга алоҳида эътибор берамиз.

Мен иқтисодиётнинг асосини кичик ва хусусий тадбиркорлик ташкил қиладиган давлатларнинг вакиллари бўлган чет эллик меҳмонларимиз ўз мамлакатлари тажрибасидан келиб чиқиб, биз бу йўналишда кўшимча яна қандай чоралар кўришимиз лозимлиги тўғрисида фикр билдиришларини истардим.

Б е ш и н ч и д а н, биз учун иқтисодиётда аниқ мақсадларни қўзлаб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш стратегик аҳамиятга эга. Бу борада биз аниқ-равшан структура сиёсатини олиб боришимиз лозим. Ушбу сиёсат, аввало, мамлакатнинг иқтисодий қудратини янада мустахкамлаш, бой табиий, хомашё ва меҳнат ресурслари, интеллектуал ва илмий-техникавий салоҳиятимиздан тўла ва самарали фойдаланишга йўналтирилган бўлиши даркор.

Мукамал технологик жараёнларни ўз ичига олган, илғор замонавий технологияларни жорий этган ҳолда, нафақат ички, балки, ташқи бозорда ҳам рақобатга бардош берадиган тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи қувватлар иқтисодиётда етакчи ўрин эгаллашига эришимиз биз ўз олдимишга мақсад қилиб қўйганмиз. Биз хизмат кўрсатиш соҳаси ривожига алоҳида эътибор қаратамиз. У ҳали иқтисодиётимиз таркибида муносиб ўрин

эгаллагани йўқ.

Бу соҳада ҳам мазкур муаммони ечишнинг йўллари ва имкониятлари тўғрисидаги сизнинг фикр-мулоҳазаларингизни билиш биз учун жуда муҳимдир.

Мен яна иккита ҳал қилувчи масала тўғрисида алоҳида тўхталмоқчиман.

Аввало, биз мамлакат иқтисодиётига хорижий сармояларни, хусусийлаштириш жараёнига чет эл капиталини жалб этишни кафолатлаш ва рағбатлантириш учун яна қандай шарт-шароитлар яратиш лозимлигини билишни истардик. Чунки биз хорижий сармоянинг иқтисодиётимиздаги таркибий ўзгаришларда, ишлаб чиқаришни техникавий қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш жараёнини жадаллаштиришда фаол иштирок этишининг тарафдоримиз.

Бугунги кунда чет эл инвестицияларининг асосий қисми бевосита ҳукумат кафолати остида мамлакатимизга киритилаётгани бизни қониктирмайди. Ҳозиргача бевосита йўналтирилаётган инвестициялар ҳажми уларга бўлган ҳақиқий эҳтиёжга мос эмас. Чет эл инвесторларининг ишлаб чиқариш объектиларини тўла сотиб олиб уларга эгалик қилиши, қорхоналар акцияларини харид қилишдаги иштироки жуда суст бормоқда.

Шунга эришиш керакки, Ўзбекистон бозори мамлакатимизда бизнес билан шуғулланишга интиланларнинг барчаси учун энг маъқул ва қулай иқтисодий макон бўлиб қолсин.

Шу муносабат билан савол туғилади: сизнинг бизнесингиз тадбиркорликни эркинлаштириш нуқтаи назаридан янада ривожланиши учун яна қандай шароитлар яратиш керак? Келгусида сизга яна қандай кафолатлар бериш лозим? Истиқболдаги ҳамкорлик нуқтаи назаридан хорижий ҳамкорларимизни бизда ишлаб чиқаришнинг яна қайси соҳа ва тармоқлари кўпроқ қизиқтиради?

И к к и н ч и м а с а л а, яъни иқтисодиётимиздаги ислохотлар айниқса ҳозирги даврда биз учун алоҳида аҳамият касб этади. Иқтисодиётни эркинлаштириш ташқи иқтисодий фаолиятни, биринчи галда, валюта бозорини эркинлаштириш, миллий валютаимизнинг жорий операциялар бўйича эркин алмашувини таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ.

Ушбу масалани ҳал этиш борасида сўнгги йилларда бир қанча ишлар амалга оширилди. Асосий экспорт маҳсулотимиз, валюта тушумимизнинг муҳим манбаини ташкил қиладиган пахта толаси, олтин, рангли металлларнинг жаҳон бозоридаги ноқулай конъюнктура ҳолатига қарамастан, сўнгги икки йил давомида биз ўз олтин-валюта захираларимиз ҳажмини тўлов қобилиятимизни кафолатлайдиган даражада сақлаб туришга эришдик.

Кейинги йилларда валюта мажбуриятлари бўйича тўловлар таркиби ва механизми, конвертация механизми сезиларли даражада ўзгаририлди. Ҳозирги кунда марказлашган валюта ресурслари ҳисобидан фақат ҳукумат мажбуриятлари бўйича ажратилаётган бюджет маблағлари конвертация қилинмоқда. Қолган барча операциялар биржадан ташқари валюта бозорида конвертация қилинмоқда.

Шу боис, биз учун бош йўналиш - биржадан ташқари валюта бозорини ривожлантириш ва мустахкамлаш, тижорат банкларининг валюта ресурсларини кўпайтириш ҳисобидан улар ҳеч қандай лицензия ва квоталарсиз хоҳлаган вақтда ўз миқдорларига валюта операциялари бўйича хизмат кўрсатишини таъминлашдан иборат. Биз ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида алмашув курсини унификациялаш, тез орада мувозанатли алмашув курсига эришишга катта эътибор берамиз. Бунда аҳолига ва қорхоналарга валюта қийматининг ўзгариб туриши натижасида таъ-

сир қилиши мумкин бўлган салбий оқибатлардан ҳимоя қиладиган тегишли кафолатларни яратиш, алмашув курсининг барқарорлигини таъминлаш учун зарур бўлган микдорда давлат валюта захираларини шакллантириш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Яна бир масала: мамлакатимиз экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва мустахкамлаш йўлида валюта сиёсатини эркинлаштиришдан ташқари яна қандай тадбирларни амалга ошириш мумкин?

Биз ўз олдимишга иқтисодиётнинг барча тармоқларида экспорт боп тайёр маҳсулотлар ҳажми ва турларини кўпайтиришни мақсад қилиб қўйганмиз. Бунга эришиш учун мавжуд омил ва имтиёзларга қўшимча равишда яна қандай аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқишимиз ва жорий этишимиз даркор? Экспорт боп товарларнинг ташқи бозорга эркин чиқишини таъминлаш учун қандай тегишли инфратузилма ташкил қилиш керак?

Мен бу саволларга жавобни бугунги анжуманда иштирок этаётган, юртимизда фаолият кўрсатаётган қўшма қорхоналарнинг раҳбарлари ва вакилларидан эшитишни истардим. Азиз дўстлар!

Бу ерда кўтарилган масалаларнинг кўпчилиги биз учун янгилик эмас. Уларнинг ечимини топиш борасида муттасил иш олиб бораемиз. Лекин биз бугун тараққийотимизга ҳалақат бераётган, ислохотларнинг ана шу йўналишидаги мавжуд тўсиқ ва говларнинг сабабларини чуқурроқ ўрганиш, уларни бартараф этишни ўз олдимишга вазифа қилиб қўймоқдамиз. Шу билан бирга, биз иқтисодиётни ислох қилишнинг устувор йўналишларини амалга оширишда имкон қадар қулай шарт-шароит яратишдан манфаатдоримиз.

Олдимишда турган муҳим вазифалардан яна бири - бу асосий устувор йўналишларни аниқлаштириш, конкрет маъно-мазмун билан тўлдириш, уларни рўйбга чиқаришнинг ҳаракатлантирувчи механизминини, кучли рағбат ва кафолатлар тизимини яратишдир.

Бир сўз билан айтганда, гап иқтисодий ислохотларни янада эркинлаштиришнинг асосий устувор йўналишларини амалга оширишнинг аниқ дастурини ишлаб чиқиш ҳақида бормоқда. Мен сизлардан ушбу масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларингиз, аниқ таклиф ва тавсияларингизни беришингизни истардим.

Мен сизларнинг барчангизни очик-ойдин ва ошқора мулоқотга чорлайман. Албатта, бир йиғилиш доирасида ҳамма масалаларни ҳар тарафлама ва чуқур муҳокама қилиш, барча муаммоларни ҳал этишнинг иложи йўқлигини биз яхши тушунамиз. Келинлар, шу анжумани сизлар билан ҳамкорликда амалга оширадиган катта ишларимизнинг дастлабки босқичи, илк қадами, деб ҳисоблайлик.

Шу муносабат билан мен сизлардан ҳамда Ўзбекистонда ўз бизнесини амалга оширишдан манфаатдор барча ишбилармонлардан бугунги муҳокама қилинган ва иқтисодиётни ислох этишнинг бошқа муҳим масалалари бўйича ўз таклифларини Идоралараро кенгаши ишчи органи - Президентнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсат масалалари бўйича давлат маслаҳатчиси хизмати-га ёзма равишда топширишларини сўрайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Чимилдик

"МУРКИСТОҲ" газетаси иловаси. 2000 йил 2 февраль № 5 (62)

Бугундан хотиракам ёри, ҳаммасига ўзин жавоб берман. Сен...
 "Чимилдик", мен ҳам сенга дарду хасратларимни ёзишга ўтирдим. Тиббиёт билим юртининг талабаси-ман. Пахта

ФОТИХАЛИ КИЗ



маҳали бизни ҳашарга олиб чиқишди. Орадан икки-уч кун ўтмасдан уйдагилар келиб қизим сенга совчилар келяпти, нима деб жавоб берайлик дейишди. Мен кимдан деб сўрадим. Онам А. исмли йигитнинг отини айтди. Мен рози бўлмадим. Пахта мавсуми тугаб, уйга келсам, мени фотиҳалаб қўйишибди. Ҳангу-манг бўлиб қотиб қолдим. Нима қилишни билмайман, у йигит менга заррача ҳам ёқмайди. Уни ёқтиришга кўп уриниб кўрдим, иложи бўлмади. Ёзга чиқиб тўйимизни қилишмоқчи.


мен фотиҳа бўлганман дедим. Лекин у майли, ахир куёвни-кига кетганингиз йўқ-ку, тўйингизни қайтариб оламан деяпти. Ш. менга жуда ёқади. Нима қилишимни билмайман. Тўйимни қайтарсам маҳалладагиларнинг гап-сўзларидан кўрқаман. Қайтармасам А.ни жуда ёмон кўраман. Нима қилишни билмаяпман. Битта-ю битта умидим сендан, илтимос, менга маслаҳатингни бер.

ШАҲНОЗА,
Самарқанд вилояти,
Фазалкент тумани

ХОТИНИМНИНГ ЙИГИТИ БОРМИ?

Қадрли "Чимилдик" ижодкорлари!
 Мен бир қизга кўнгил қўйгандим. Тўғри-си уларнинг оиласи биздан бой яшарди. Дастлаб учрашувга чиққанамизда онам, келинойиларим уни ёқтиришмади. Аммо мен ўз фикримда қаттиқ туриб олдим. Орадан 3-4 ой ўтгач, тўйимиз ҳам бўлди. Бир йилча яхши яшадик. Аммо қизчалик бўлди, аҳвол кескин ўзгарди. Моҳира (умр йўлдошим) арзимаган нарсадан жажли чиқадиган, серзарда бўлиб қолди. Ҳатто чақалокқа ҳам ёлчителиб оналик меҳрини беролмайди. Бир-икки марта арзи-

мас нарсани баҳона қилиб, ой-исиникига кетиб қолганида ота-онам ялиниб-ёлвориб уйдан олиб келишган. Шундан буён у на уйда бирон тайинли юмушларни бажаради, мен-ку майли, на ота ва онамни ҳурмат қилади. Нима қилишга ҳайронман, балки хотинимнинг ўз ёқтирган кишиси бормикан?



Д.
Тошкент вилояти,
Паркент тумани

ЗОДА АКА

Ёшим 63 га бориб қолди. Газетангиз саҳифаларини қолдирмай ўқиб бораман. Аммо биринчи марта хат ёзиб илтимос қилаяпман. Менинг қуйидаги "Қолса бас" номли шеъримни газетангиз саҳифаларида босиб чиқсангиз.

Майли кетсин борлигим қўлдан,
 Енимда жанон қолса бас.
 Унга қурбон айламоққа,
 Жисимимда жон қолса бас.

Дилимга бахш этиб ором,
 Сайраган булбул чамандан.
 Майли кетсин қуйламай,
 Ул офатихон қолса бас.

Гул баҳорим — майли кетсин,
 Сарғайсин яшил япроқ.
 Кетсин оромим, шодлигим,
 У шод бўлиб, бир он қолса бас.

Майли қошларин ёй айлаб,
 Найза айлаб киприкларин.
 Отсин, кўксимга санчилсин,
 Енимда у шу он қолса бас.

Майли кетсин куч-қувватим,
 Кетсин кўзимдан нур, эс-хушим.
 Бахтимга у товланиб,
 Товус хиромон қолса бас.

Эй Қодир "фоний" дунёдан,
 Эгунча рихлат "боқий"га.
 Ул париға жонни қурбон,
 Айлашга имкон қолса бас.

КОДИР БАРНО,
Вобкент шаҳри

АКАМ ДЕЙМИ СЕНИ СЕВГИЛИМ?

лашмас-ди. Бу муомаладан ҳайрон қолиб, ўзимни четга оладиган бўлдим. Лекин ишқ ўтида ёнганларим...

Бир куни дарсдан чиқсам, Озод ака мени кутиб турибди. Анчадан бери кўрмаганим сабаб барча гиналарни унутиб олдиға югурдим. Муҳим гапи борлигини айтди. Юрагим тез-тез ура бошлади.

Лекин юрагим мени алдаган эди. "Мен сизни синглим деганман."

Унинг гапини ортиқ эшитолмадим. У мени синглидай кўрар экан-а! Мен бўлсам бор меҳр-муҳаббатимни, севгимни унга атабман. Эҳ, Озод ака, нега вақтлроқ айтмадингиз шу гапларни? Олдин айтганингизда мен ҳам сизни акамдай кўрган бўлардим...

Қизлар, бирор йигит билан танишиб, уни ёқтира бошласангиз, аввал билинг. Унинг сизга муносабати қандай? Балки у ҳам сизни синглидай кўрар... Яна менга ўхшаб илк муҳаббатнинг аччиқ хотиралари билан ёлғиз қолманг.

АЗИЗА, Тошкент шаҳри,
Юнусобод тумани

УСИЗ ЯШАЙ ОЛМАЙМАН

Эҳтимол бу мактубни газетангиз саҳифаларида ёритмасиз. Лекин, ўз дардимни кимгадир айтишим, кимдандир бирон бир маслаҳат олишим, кўнглимни бироз бўлса-да таскин топтиришим керак-ку! Бу мактубни ёзишга туртки бўлган асосий сабаб, иловангизнинг ўтган йилги 45-сонида эълон қилинган "Беғуноҳ севги" номли бир мактуб бўлди. Мен бу мактубни ўқиб, шундай таъсирланиб кетдимки, газетангизнинг кўз ёшларимни зўрға қўлга олдим. Йил аввал маҳалми қизни севиб ундан кўнгил ҳаббат менинг ўрнашган. У да, аниқроғи, тубида шунча-туйғу уйғонади-лаш учун қалам ҳам бузилди. Мен ҳам бундан 4 ламиздаги Н. исқолганман. Ҳануз узолмайман. Му-юрагимда чуқур кўзғалса қалбим-юрагимнинг тублар қудратлики, уни ифода-ожишлик қилади. Бу Н.га бўлган чеқсиз муҳаббатим туйғусидир. Уни ичимга сиғдириб олмай, бутун дунёга "Мен Н.ни севаман", дея жар солгим келади.



Лекин "у" бепарво... Уни қанчалар қаттиқ севишимни била туриб ҳеч қандай жавоб бермайди. "Чимилдик", нима қилай? Қандай қилиб уни ўз севгимга ишонтирай? Мана 3 йилдирки севгимни исботлаш учун уринаман, афсус... Афсус ҳеч қандай натижа чиқмаяпти.

Мана бугун Н.ни кўрганимга роппа-роса 15 кун бўлади. Мана шу 15 кун, гўё, 15 асрдек узоқ туюлмоқдаки, сўнгги кунларда, ўзим ҳам ҳайрон қолмоқдаман.

"Чимилдик", менга маслаҳат бер, нима қилай? Унга бўлган севгим кун сайин, соат сайин кучайиб бормоқда. Мен ундан айрилиб қолишдан жуда-жуда кўрқаман. Н.ни чин юракдан севиб қолувчи


КАМОЛИДДИН,
Андижон вилояти

Тахририятдан: Камолитдин нима қилсин? Балки унга сиз азиз муштарийлар маслаҳат берасиз.

Аваз акам билан севишиб турмуш кўрганмиз. Жаҳллари тезлигини билар эдим, аммо қўли югуриклигидан беҳабар эканман. Аввалига гапимиз бир ердан чиқма-са, шапалоқ тортиб юборарди. Кейинчалик эса дўппослаб уришни одат қилди. Болаларимиз катта бўляпти. Турмуш ўртоғим нима деса, жанжал чиқармаслик учун ҳам "хўп" деб кета-веришни одат қилганман. Шунда ҳам "нимага мум тиш-жимсан" деб жанжал чиқарди. Биронинг калтаклари остида узоқ яшай олмаслигимни биламан. Бундан ташқари буйрагим ҳам касал.

Эримнинг топиш-тутиши, одамлар билан муомаласи яхши. Маҳалла-қўйда ўзига яраша обрўси бор, мени ва болаларини яхши кўришига шубҳам йўқ. Кўчадан куруқ қўл билан келадиган эрлардан эмас. Аммо мана шу барча яхши хислатлари биргина шапалоқ билан йўқ бўлиб кетишини наҳот тушуниб етмаса. Мен калтак еяётган маҳал болаларимнинг кўзлари катта-катта бўлиб, ҳайратдан қотиб қолади. Уларга азобларимни билдирмаслик учун ҳам, овоз чиқармай йиғлайман. Сохта жилмаяман. Аммо қачонгача чидаш мумкин?

САОДАТ Қ.
Қашқадарё вилояти



Шухрат ҚАЮМОВ: УМР САВДОСИ БОШҚА-Ю, ИШҚ САВДОСИ БОШҚА

Шухрат Қаюмов ҳақида ҳар хил миш-мишлар юради. Биров, у суҳандонликдан кетармиш деса, биров кўшиқчи бўлармиш дейди. "Чимилдик" ижодкорлари ўзларининг сеvimли мухлислари учун муҳимроқ ва қизиқарлироқ бир мавзу танлади. Шухрат ҚАЮМОВ ҳаётда қандай одам? У кимни ёқтиради?

— Сиз муҳаббатни қандай тушунасиз?

— Менимча муҳаббат ҳаётнинг, яшашнинг асосий мазмуни. Умрни тартибга солувчи сирли бир тиргак. Қайси жойда муҳаббат бўлса, янгилик, интилиш бўлади.

— Баъзида бировлар муҳаббатдан воз кечадилар...

— Алданиб қолса ёки алам тортса. Энди ҳаёт йўқ, деб дод-фарёд уради. Яхшики аслида бунақа эмас.

Ўзим ҳам ҳаётимда сеvмай уйланганман. Учрашувга чиққанимизда, тўғриси, у менга унчалик ёқмаганди. Онамнинг истаклари билан турмуш қурдим. Ва хато қилмабман. Ёшлиқдаги сеvги б и -

лан, оиладаги сеvги умуман бошқа-бошқа экан.

— Бирорта қизни ёқтирганмисиз?

— Мактабдошимни. Армияда хизмат қилаётганимизда орамизга совуқчилик тушган. У қизнинг ўғил бола ўртоғи бор эди. Мен буни хоҳламадим. Чунки ўғил бола қиз бола билан ҳеч қачон дўст бўлиши мумкин эмасди. Мана шу арзимас сабабми, ёки бошқами, ажрашиб кетганмиз.

— У билан бахтли бўла олармидингиз?

— Ҳозир ўйлаб қарасам; йўқ. Чунки уни болалик ҳаваси билан ёқтирганман.

— Ўзингизнинг қизлардан ўртоғингиз кўпмиди?

— Унчалик эмас. Мактаб-

да ҳам, институтда ҳам жуда фаол ташкилотчи эдим. Шунинг учун бўлса керак кўп қизлар мени ёқтиришарди. Ҳазиллашиб, сен амалдор бўласан дейишарди.

— Умуман Шухрат Қаюмов қандай аёлларни

ёқтиради?

— Эракни эрак ўрнида кўрадиганларини.

— "Сизни сеvолмасам нетай" кўшиғига аёлингизнинг муносабатлари қандай бўлди?

— Рашкчилик

томонидан бахтлиман. Хотиним доим мени тўғри тушуниб келган. Ўша кўшиқдан кейин таниш-билишларим ҳаттоки уйга қўнғироқ қилишиб "Умидахон қандай чидаб турибсиз?" дейишибди. Қўшиқчи фақат ўз дардини куйламайди-ку. Бировнинг дардини, ҳасратини эшитмасангиз бўлмайди.

Бу шеър Шоира Маҳкамова қаламига мансуб. Мазмуни шундай: эр ҳам, хотин ҳам фақат бир-бирига суяниб яшайди. Фарзандлари учун. Дардини ҳеч кимга айтмайди.

Умр савдоси бошқа-ю, ишқ савдоси бошқа экан, Умрим сиз билан ўтса-

ю, сизни сеvолмасам нетай.

— Шундай пайтда ўзингиз қандай йўл тунтар эдингиз?

— Оиламни ташлаб кетмасдим. Инсон турмуш куради, қобил фарзанд истаб. Менимча ҳар ким ўзининг ҳиссиётлари учун эмас, жигаргўшалари учун яшаши зарур.

— Қандай сеvгини ва сеvишни хоҳлайсиз?

— Қандай орзу қилган бўлсам шундай сеvиб, шундай сеvилдим. Тақдир менга ажойиб бир жуфти ҳалол ато этган. Аёлим билан жуда бахтлиман.

Менимча аёлни ҳурмат қилсанг, ҳурмат топасан.

— "Чимилдик" ёшидаги мухлисларингизга тилақларингиз.

— Ўз ёрларини фақат чимилдикда кўришсин.

ЛАЙЛО суҳбатлашди



Буюклар муҳаббати

Ер юзида одамларнинг гапириш усуллари бир-бирига ўхшамайди. Тил, лаҳча, талаффузлар бир миллатни ҳам ажратиши мумкин. Лекин шундай тасо-дифлар борки, одамлар бир хил сеvадилар, юрак деб

идроки билан улуғ мартабага эришган Бентамнинг муҳаббати бир умр жавобсиз қолганди...

Ўшанда Бентам жуда ёш эди. Ҳамма нарсадан илмни, ўқиб-ўрганишни устун қўярди. Лекин билмасдики, кунлар келиб бу шундан-да улуғроқ,

чақага зор бўладиган олим йигитни ўзига мос кўрмайдими, муҳаббат рад этилади.

Орадан йиллар ўтади. Со-чларига оқ оралаб Бентам ўзи танлаган, тақдирнинг менга берилган энг буюк инъоми деб айтган сеvгилисини ҳамон яхши кўриб, сўққабош бўлиб юраверади. Кўплаб

Бу раддия Бентамни бутунлай оғир аҳволга солиб қўяди. Айтишларича, ўша қиз тўғрисида гап очилиб қолса бас, Бентам дарров кўзларига ёш олиб, бирдан ҳаяжонланиб кетар экан.

У умрининг ба-ҳори сўлганидан

сени сеvаман, шунча йилги сеvишларим жавобсиз қолган бўлса-да, барибир ишонаман. Бир кун келиб мени сен ҳам сеvиб қоласан. Шундай муҳаббат ҳадея этган тақдирдан ва сендан розиман. Алvido!"

Бентам

ЖАВОБСIZ СЕVГИ

аталмиш кичкина қафасчада ким учун пинҳона асрайдилар сеvгини. Ҳаммасини унга атайдилар, қувонадилар, соғинадилар. Муҳаббат элчисиз топиладиган туйғудир. Шу сабаб бўлса керак сеvгида миллат, одам ҳеч қачон танланмайди.

Буюк мутафаккир Шреми Бентамни жаҳон аҳли тан олган. Унинг сўзларидан, фикрларидан дунё аҳли ибрат олди. Ўз ақл-

муқаддасроқ қўядиган бир туйғу бўлишини...

Бентам ўсмирлик чоғида бир қизни учратиб, шу қадар уни сеvиб қолади-ки, ҳаттоки исмини сўраб бу гўзални чўчитиб қўйишдан ўзини тияди. Унга фақат дилининг тубидан оғриқ билан чиқадиган бир сўз билан "сеvгилим!" деб мурожаат этади.

Киборлар оиласидан бўлган бу қизнинг бошқа танлагани бўладими ёки сариқ

гўзалларнинг ўзлари унга гап отиб, оила қуришни таклиф этишади. Лекин ошиққа маъшукадан ўзгаси керак эмас эди.

Қачонлардир ўз сеvгани уни ҳам яхши кўриб қолишини билган Бентам олтмиш ёшга етгач мактуб йўллайди. Ҳамон уни кутаётганини ва сеvгисини баён қилади. Бироқ бу сафар ҳам ярим аср яшаб қўйган гўзалдан рад жавобини олади.

хабар топиб, саксон ёшида номсиз сеvгилисига энг охирги мактубини йўллайди:

"Жонгинам, мен ҳали ҳаётман. Ўн олти яшар пайтим сенга гуллар тақдим этган дамларда қанчалик яхши кўрган бўлсам, ҳозир ҳам ўшандай сеvаман. Мен





Чекиш кейинги вақтларда ёшлар ўртасида оммавийлашиб бораётгани кўпчиликти ташвишга солмоқда. Олифтагарчилик учун чекаётганлар кўпинча тамаки тутуни сурункали қон-томир, рак, ўпка касалликлари ва бошқа кўплаб дардларни чақиришларидан беҳабармилар? Маълумотларга қараганда, ўлим чекувчилар орасида чекамайдиган кишиларга нисбатан 1,5-2,5 марта кўп учрайди.

Никотин қон томирларга таъсир этиб, атеросклероз касаллигини келтириб чиқаради, натижада қон томирлар девори торайиб, қоннинг юрак, мия ва бошқа аъзоларга бориши қийинлашади. Атеросклероз кейинчалик босимнинг ошиши, юрак қисиши, миокард инфаркти ва мияга қон қуйилишини келтириб чиқаради. Кардиологларнинг кузатишларига кўра, ёш кашандалардан миокард инфаркти айниқса оғир ўтиб, кўпинча ўлим билан тугайди. Никотин ис гази билан биргаликда (бу газ тамаки чекиш жараёнида ҳосил бўлади) оёқ томирлари деворини зарарлайди. Бу дардга йўлликқан кишилар юриб кетаётган оёқнинг

болдир қисмидаги кучли оғриқдан тўхтаб қоладилар. Баъзан ҳатто ногирон бўлиб қолишлари мумкин. Унинг оғир кўринишларида эса томирлар бутунлай бекилиб қолиб, қорасон бошланади, бундай ҳолларда оёқни кесиб ташлашдан ўзга чора қолмайди. Мия қон томирларининг никотин таъсирида зарарланиши оқибатида мия кислородга ёлчимай, фаолияти издан чиқади ва хотира пасаяди.

Никотин таъсирида меъда-ичак йўли шиллиқ қавати ҳам зарарланиб, ошқозон яраси пайдо бўлиш хавфи кучая-

Авваллари чекиш ҳақида гап борганда фақат эркаклар назарда тутилса, ҳозир бу тушунча анча кенгайди. Чунки, аёллар орасида ҳам чекувчилар топилади. Бир пайтлар оғзига сигарета қистирган аёлларга замонавий ва гўзал деб қараларди. Бугун эса бу сўзларга тескари фикрлар бор. Чунки чекадиган аёлнинг овози дағаллашиб, териси бужмаяди, тез қарийди ёки бир сўз билан айтганда, уларнинг жозибаси тамаки тутунидек тарқаб кетади. Аёллар кашандаликка тез ўрганиб, чекишни ташлашга жуда қийналадилар. Айниқса аёлнинг

ички ва жинсий аъзолари бундан кўп талофат кўради: ҳайз муддати бузилади, тез қондан қолинади, жинсий аъзоларда сурункали касалликлар хужури қилади. Кашанда аёлларда кўкрак бези раки кўп учрайди. Улар инфаркт оқибатидан чекамайдиганларга нисбатан икки марта кўп нобуд бўладилар.

Кашандалар ўз атрофдагиларини ҳам беихтиёр пасив чекувчиларга айлантирадилар. Ҳавони никотин ва канцероген моддалар билан тўлдирдилар. Доимо тамаки тутуни билан тўла хонада ўтирадиган киши кунига 5 та си-

га жамоат тартибини бузиш деб қараш керак. **Кашандалик умрни ўртача 6-8 йилга, кунига 20 та сигарета чекилганда 5-6 йил, 40 та чекилганда 8,3 йил камаяр экан.** Бу йўқотилган йиллар ортида қолган юрак-томир ва рак касалликлари азобини айтмай-сизми?!

Ҳеч ким ҳаётини хавф остига қўйишни хоҳламайди. Шундай экан, бу зарарли одатни ташлаб, ўзингиз ва атрофдагиларга зарар етказмаслик маъқул эмасми? Таассуфларким, кўпинча кашандалар бу қарорга жуда кеч, яъни соғлиқ қўлдан кетгачина келадилар. Ўзингизни қўлга олиб, чекиш истаги билан курашинг. Бу борада ёрдам сўраб, шифокорларга мурожаат этинг, сеvimли иш билан машғул бўлиш, яхши дам олиш, физкультура ва спорт билан шуғулланиш саломатлик учун фойдали.

Шуни айтиб ўтиш керакки, кашандаликдан воз кечаётганларнинг сони тинимсиз ошиб бормоқда. АҚШда кейинги 20 йилда 41 миллион, Англияда 10 миллион, Канадада 5,6 миллион, Хитойда бир йилнинг ўзида 200 минг киши чекишни ташлади.

Шундай экан, биз ҳам сизга савол бермоқчимиз: Сизга чекишни ташлашда нима ҳалақит бермоқда?


Рефат МАМЎТОВ,
тиббиёт фанлари доктори, профессор,
Ойсара МИРАҲМЕДОВА,
тиббиёт фанлари номзоди

ЧЕКМАСДАН ЁШЛИК ГАШТИНИ СУР

ди. Касаллик хужури олса, баъзида ошқозон раки келиб чиқади. Чекишда ҳосил бўладиган турли зарарли моддалар таъсирида ўпка, оғиз бўшлиғи, томоқ, ҳалқум, қизил ўнгач, сийдик пуфаги ва ошқозон бези зарарланиши мумкин. Рак пайдо қилувчи моддалар асосан тамаки куйганда ҳосил бўладиган қора смола таркибида бўлади. Чекканда смола тўппа-тўғри ўпкага тушиб, унда ўтириб қолади. Ашаддий кашанда йил давомида 800 г тамаки смоласи захарини ютар экан, ва бунинг оқибатида ўпканинг бир фоизи нафас олишда иштирок этолмайди.



гарета чекаганчилик бўлар экан. Америкалик олимларнинг ҳисоблашича, эри чекадиган аёлларнинг умри 4 йилга қисқарар эмиш. Айниқса кашандаларнинг оиласидаги фарзандлар кўп зарар кўради. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, бундай болалар ёшига етгунча икки баробар кўп ўпка касалликлари билан оғир экан. Улар тамаки тутунидан безовта бўлиб, уйқуси бузилади, иштаҳаси пасаяди. Энг ёмон томони шундаки, бола улғайгач отаси ёки онасига тақлид қилиб барвақт чека бошлайди. Кўриниб турибдики, бировлар олдида чекиш йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолат ва бун-



Куйидаги тест саволлари бунга етарли жавоб олишингизга имкон беради.

- 1. Азонда соат жиринглаганда.** Сиз:
 - а) бошқа томонингизга ёнбошлаганча, яна бир оз ётасиз (2);
 - б) тўшақдан ирғиб турасиз (5);
 - в) соат тўла жиринглаб бўлгунча ётаверасиз (0).
- 2. Сиз нонуштага:**
 - а) кийиниб бўлиб ўтирасиз (6);
 - б) кийиниб олмасиз-у, аммо кўчага чиқиб кетишга тўла шай бўлмай-сиз (5);
 - в) қайси кийимда ётган бўлсангиз, ўшандай ювиниб-таранмай ўтирасиз (2).
- 3. Одатда эрталабдан сиз:**

СИЗ БИЛАН ЯШАШ ОСОҲИМИ?

- а) белгилаб олган режаларингизни бажаришга киришасиз (5);
 - б) доимо уйқусираб юрасиз (0);
 - в) эринигина иш кунини бошлайсиз (1). ✓
- 4. Хотинингиз (эрингиз) билан қахвахонада овқатланиш учун учрашганингизда сиз:**
- а) кундузи содир бўлган воқеа-ҳодисалар гирдобидан чиқолмайсиз (2);
 - б) учрашувни ёдда сақланадиган бўлишига ҳаракат қиласиз (6);
 - в) одатдаги ҳолатда бўласиз (3). ✓
- 5. Сиз севган телекўрсатув кетаётган вақтда эрингиз (хотинингиз)нинг дўстлари меҳмонга келишди. Сиз:**
- а) ҳеч иккиланмай телевизорни ўчирасиз (6); ✓
 - б) овозини сал пасайтириб, томоша қилаверасиз (0);
 - в) томошани биргаликда кўришни таклиф қиласиз (3).
- 6. Сизнингча турмуш ўртогингиз:**
- а) қалби тоза инсон-ку, аммо сал зикнароқ (2);
 - б) бирга яшаш учун кўнглидагидек инсон (5);
 - в) оддийгина одам (4). ✓
- 7. Сиз:**
- а) дўстларингизнинг туғилган кунлари ва улар учун муҳим бўлган бошқа саналарни ёдда сақлайсиз (6);

- б) ёқтирмасангиз ҳам аммо баъзи саналарни одоб юзасидан нишонлайсиз (4). ✓
 - в) дўстларингиз ҳаётидаги бундай саналарни ёдингизда тутмайсиз (2). ✓
- 8. Эрингиз (хотинингиз)нинг камчиликларини болаларингиз олдида юзига соласизми?**
- а) ҳеч қачон (6);
 - б) баъзан (2); ✓
 - в) ҳар доим (0).
- 9. Жаҳлингиз кўпроқ нимадан чиқади? У:**
- а) нонуштага кеч қолса (4);
 - б) яхши нарса харид қила олмас (5);
 - в) фаромушхотир бўлса (2). ✓
- 10. Оилали одамни баъзан ёлғиз қолишга интилишини қан-**


- дай баҳолайсиз?**
- а) бу яхшилик белгиси эмас (0);
 - б) табиий ҳолат деб биламан (6); ✓
 - в) ортиқча қилиқ деб баҳолайман (2).
- 11. Бошқалар ҳақида сиз:**
- а) танқидий фикр юритасиз (0);
 - б) фикрингизни юмор билан билдирасиз (4);
 - в) бошқаларни ғийбат қилишни ёқтирмайсиз (2). ✓
- 12. Ҳазил-мутойибага нисбатан муносабатингиз:**
- а) кўпам ёқтирмайман (2); ✓
 - б) доим ҳазиллашишга тайёрман (5); ✓
 - в) умуман юморни жиним суймайди (0).

Натижалар:

50 дан зиёд балл тўплагингиз. Бирга яшаш учун сиздан муносиб одамни бу дунёдан топиш қийин. Сиз оғир-босиқ, бошқаларнинг камчиликларига нисбатан сабрлисиз. Сиз билан яшаш осон ва завқли. Эрингиз (хотинингиз) сизга шундай ёрни учраштиргани учун Аллоҳдан миннатдор бўлсин.

20-50 балл. Сиз билан яшаш унча қийин эмас. Аммо баъзан жонга тегиб кетасиз. Атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ёрингиз қўзи билан қарашга ҳаракат қилинг.

20 баллдан кам. Мен доимо ҳақман деган ақидадан воз кечиш йўллари ахтаринг. Акс ҳолда турмушингиз захар-заққумга тўлаверади.



Аёл азалдан гўзаллик, нафосат рамзи ҳисобланган. Лекин XX аср охири улар ҳаётига ҳам кўплаб янгиликлар олиб кирди. Хуллас, бугун аёллар бош суқмаган соҳаси қолмаган. Гарчи спортнинг деярли барча турлари бўйича аёллар жаҳон миқёсида юқори натижаларни қўлга киритган бўлсаларда, бокс ҳали бундан мустасно эди. Яқин йиллардан буён бокс тарихида янги саҳифалар очилди. Рингда аёллар пайдо бўла бошлади. Аёллар бокси ҳали яхши ривожланмаган ва оммавийлашмаган бўлсада, борган сари улар ринг томон шахдам одимламоқда. Ана шундайлардан бири америкалик машҳур боксчи ЛАЙЛО АЛИДир. У ўзининг гўзаллиги билан эмас, балки отаси, афсонавий бокс қироли Муҳаммад Алидек ўз мушти билан шуҳрат қозонишни истайди.

Лайло Али Муҳаммад Алининг учинчи никоҳидан дунёга келган кенжа қизи.

Лайло етти ёшида ота-онаси ажрашади. Ҳозир Лайло 22 ёшда. Ўтган йилнинг октябрь ойидан бошлаб иккита жанг ўтказган. Биринчи жангни 1999 йилнинг 8 октябрида Веронада (Нью-Йорк) Апрель Фуврелга қарши ўтказиб, 31 сониядаёқ нокаут билан ўйинни ўз фойдасига ҳал этган. Иккинчи жангда у автобус ҳайдовчиси Шадина Пеннибакерни тўртинчи раунтдаёқ нокаут билан енгади.

Лайло Алининг қаллиғи, собиқ боксчи Жонни Ма Клайн унга мураббийлик ва менежерлик қилади. Лайло Али ўзининг Марина дел Рей (Лос Анжелес)даги пардоз-андоз (косметика) студиясини яқинда сотиб юборди. Энди у келгусида профессионал боксчи сифатида пул топиш ниятида.

Яқинда у рингдаги аёллар муштлишувидан кейинги оғриқларни енгиш ва отаси Муҳаммад Алига бўлган муносабати хусусида Германияда кўп нусхада чоп этиладиган "Шпигель" ҳафтаномаси муҳбирига интервью берди. Қуйида шу интервьюни эътиборингизга ҳавола қиламиз:

— Лайло хоним, эртага сизни бирон-бир рақибингиз муштлаб, қошингизни ёриб ёки бўлмаса,

бурнингизнинг пайини эзиб кўйишдан кўркмайсизми?

— Агар кўрксам, боксчи бўлмас эдим. Рингдан пастга тушгандан кейинги ташқи қиёфам мени қизиқтирмайди. Охири жангимдан сўнг жағим оғриб турибди, ўнг кўзимнинг ости шишган, яъни кўкарган десам ҳам бўлаверади. Хўш, нима бўпти? Бу рақибимники олдида ҳеч гап эмас. Ҳар бир зарбага сен иккита қилиб қайтаришинг керак.

— Вақти келиб, бир кун сизнинг гўзаллигингизга путур етса ачинмайсизми?

— Агар

МУҲАММАД АЛИ ЛАЙЛО БИЛАН

мен бу ҳақда қайғурадиган бўлсам, у ҳолда фотомодель бўлиб ишлардим. Албатта, мен буни уддалаган бўлардим, лекин мен муштлишишни хоҳлайман. Шу нарса менинг эътиборимни тортган. Қолаверса, боксчиларнинг ҳаммасиям рингдан тушгач, гўёки бир поезд билан тўқнашиб кетгандек кўриниш-



РИНГГА ТУШМАЙДИ

майди. Менинг отам бунга ёрқин мисол бўлиши мумкин, албатта баъзи бир истисноларни инobatга олмаганда. Ҳадеб мушт еяберишни ҳам истамайман. Шунинг учун ҳозир ўзимни ҳимоя қилиш устида кўпроқ ишлаяпман.

— Сиз отангизга: "Мен сизнинг изингиздан бораман", деганингизда у буни қандай қабул қилди?

— Аввало, у ҳамма вақт "Буюк" бўлган. Шу боис, на мен ва на бошқа бир боксчи, хоҳ у эркак ёки аёл бўлсин, ўзини менинг отам билан тенглаштира олмайди. Менинг бу қароримни эшитгач, у бундан хурсанд бўлгани йўқ, албатта. Қайси ота ўз қизининг муштлишишни хоҳлайди дейсиз. Лекин у менинг бу қароримни ўзгартира олмаслигини ҳам биларди. Бу нарса оилавий фожеага олиб келмади. Албатта, унга қолса, мени бирон-бир коллежга бориб ўқишим ва хавфсизлигим тарафдори эди. Лекин у эътироз ҳам билдиргани йўқ. Назаримда, у мени нимани хоҳласам, шуни қилишимни, бошқаларнинг йўл-йўриғи билан иш қилмаслигимни ҳам билади.

— Онангиз Вероника сизнинг да-

стлабки жангингизда ринг ёнида ўтирган эди. У сизнинг янги карьерангизга қандай муносабатда?

— У ҳудожўй аёл ва содир бўлиши лозим бўлган воқеа-ҳодисанинг юз беришига ишонади. Агар менинг қизим бокс тушса, демак бу тақдири азалнинг иши, дейди у. Онам тиззалари қалтираб, ожиз бир аҳволда ринг ёнида ўтирмайди. Мен рингда-лигимда мен учун қайғуриш бефойдалигини у тушуниб етган. Ўз

ҳаётимни ўзим белгилайман.

— Саккиз ака-ука ва опа-сингилларингиздан бирортаси (ота касбини тутиб) сизнинг изингиздан бориши мумкинми?

— Рингда ишлаш учун боксчида қобилият, галабага хоҳиш, зарб оғриқларини енгиб ўтишга тайёргарлик бўлиши лозим. Бу ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бордию мен, умуман улар учун ўртак бўлсам,

бу биргина шу сабаблики, мен уларга, одам астойдил хоҳлаган нарсасини уддалай олишини кўрсатиб қўйдим, одамларнинг гап-сўзлари, куннинг ўтиши ҳақида қайғурмайман.

— Аёлларнинг рингга чиқиб, бир-бирининг бурнини қонатиб муштлишишлари оммавийлашмаган. Қолаверса, аёллар бокси таъқиқланган, дейдиганлар ҳам кам эмас.

— Ҳеч ким бировга озор беришни ёки танига шикаст етказишни истамайди. Бировнинг қийналаётганини ким ҳам кўришни хоҳлайди, дейсиз. Бу ҳолат ўз-ўзидан тушунарли. Фақат — ким умрида рингга чиқмаган бўлса, у ердаги жараённинг қандай кечишини ҳам билмайди. Зарб оқибатида юзага келадиган оғриқлар адреналин билан қопланади, кўп ҳолларда зарб сезилмайди. Лекин аёллар бокси албатта оммавийлашади, мен бунга аминман. Борган сари кўплаб аёллар баскетбол ва футбол ўйнашмоқда. Шундай экан, нега энди улар бокс тушмасин?

— Отангизнинг жанглиридан бирортасини видеода кўрганмисиз,

масалан унинг 1974 йилда Заирда Жорж Форман устидан нокаут билан қозонган галабасини ёки 1975 йилдаги Жой Фразерга қарши Манилдаги жангини?

— Ҳа, қайта-қайта кўраман. У рақибининг каттароқ ёки ваҳоҳатли бўлишидан қатъий назар, охири-оқибат руҳий тайёргарлик ва мустаҳкам ирода ўз самарасини беришини исбот қилади.

— Сиз отангизнинг шиорини ўзлаштириб олибсиз: "Мен капалакдек учиб, асаларидек чақаман". Ўзингизни у билан қиёслашдан кўркмайсизми?

— Ҳеч ким ўзини у билан қиёслай олмайди, шунингдек унинг қизи ҳам. Бошловчи боксчи сифатида мен анча ҳаракатчанман, оёқларим яхши ишлайди. Рингда ўйлаб ҳаракат қиламан, ўзимга ишонаман, яхши зарба бераман. Шундай бўлгач, мени енгиш рақибларимга осон бўлмайди.

— Сизнинг Апрель Фуврелга қарши 31 сониядан сўнг нокаут билан галаба қилган биринчи жангингиз пайтида ринг атрофида, афсонавий чарм қўлқоп қироли Муҳаммад Алининг қизини бокс тушишини томоша қилишдан кўра кўпроқ унинг ўзини кўриш иштиёқида бўлган кўплаб мухлислар ўтиришган эди.

— Сиз буни қаердан биласиз? Улар менинг жангимга кириш учун пул тўлашган. Отам атрофидаги оммавий ахборот воситаларининг гала-ғовури тингач, мухлисларнинг нигоҳи менинг жангимга, боксчи қизга қадалган эди.

— Яқиндагина илк маротаба аёл киши бир эркакка қарши рингга чикди ва уни мағлуб этди. Бу нарса сизнинг ҳам келгусида режангизга кирадими?

— Йўқ. Яқин келажакда эмас. Боксда эркаклар биз аёлларга нисбатан кучлироқ ва анча олдинда.

— Сиз жаҳон чемпиони бўлишни хоҳлайсиз. Буни эълон қилдингиз. Бу қачон юз беради?

— Энди аста-секин, навбати билан. Лекин чемпион бўлиш учун менда куч ҳам, ирода ҳам бор. Мен ҳеч қачон мағлубият ҳақида ўйламайман. Балки бу менинг келиб чиқишим, ирсиятим билан ифодаланар.

— Дунёнинг энг зўр боксчи аёли бўлиш мақсадида отангиз билан машгулот ўтказдингизми?

— Ҳеч қачон. У ўз қизига шикаст етказишни хоҳламайди.

Хориж матбуотидан
Маҳмуд БОБОНАЗАРОВ
тайёрлади

Ҳурматли сизнинг **БАХТИГУП!**
Мен сени оиламиз ва дўстларим номидан 6 февраль куни 15 ёшни қарши олишини билан тин қўнғилдан муборакбод этганам. Ҳаётинг давомида шодлик, омад, бағъ ҳамаюми бўлишини Ярабдан қўраб қолувчи оиламиз
Мавжуда ЖҲРАЕВА.

Азиз онажонимиз **МАҲБУБА** ая!
Биз сизни ҳаётингиздаги энг қувватли кун — туғилган кунингиз билан тин юракдан таъриқлаймиз. Ҳақиқат оила аъзолариниз бағъига соғ-омон бўлинг. Ҳуррингиз узун бўлишини тилаб қолувчи
КИРФИЗОВлар оиласи номидан фарзандларингиз ва келинларингиз.

"**ЧИМИЛДИК**" "ТУРКИСТОН" ГАЗЕТАСИНING ИЛОВАСИ
ИЛОВА ИЖОДКОРЛАРИ:
ЛАЙЛО, ЯШНАР, ШАҲНОЗА
САҲИФАЛОВЧИ: **БАХТИЁР**

УЗА П Е К И Н. ХХР лойи-халаш ва тараққиёт бўйича давлат қўмитаси Син-цзян-Уйғур мухтор туманидан Шанхай шаҳрига қадар чўзилган 5 минг километр узунлиқдаги газ қувурини қуриш лойиҳасини тасдиқлади.

Газ қувурининг қурилиш ишлари 2001 йилда бошланади. Лойиҳа қиймати 7,2 миллиард АҚШ долларига тенг.

К О Л О М Б О. Шу йили ГФР ҳукумати Шри-Ланкага 37,1 миллион АҚШ доллари миқдорда иқтисодий ёрдам беришга қарор қилди.

Ушбу иқтисодий ёрдамнинг 18 миллион доллари техник ҳамкорликни ривожлантириш учун сарфланади. Қолган 19,1 миллиони эса кредит сифатида берилади.

А Д Д И С - А Б Е Б А. Жаҳон озиқ-овқат дастури (ЖОД) маълумотига кўра, айни пайтда Эфиопияда 8 миллион киши оч-наҳор яшамокда. Бундан ташқари, мамлакат чегарасида 250 минг қочқин бор. Маълумотларга қараганда, донор-мамлакатлар учун бу ердаги очарчиликнинг қисман олдини олиш 200 миллион АҚШ долларига тушар экан.

Сўнгги икки йилда Африка қитъасидаги қурғоқчилик кўплаб мамлакатнинг қишлоқ хўжалигига салбий таъсир кўрсатган. Жумладан, 1999 йилда Эфиопияда дон етиштириш 11 миллион тоннадан 10 миллион тоннага қисқарган.

К А Т М А Н Д У. Жанубий Осиёда тинчликни қўллаб-қувватлаш бўйича икки кунлик ҳарбий тайёргарлик ниҳоясига етди. Унда Бангладеш, Шри-Ланка, Непал ва АҚШнинг юздан зиёд ҳарбий хизматчи иштирок этди.

Ҳарбий машғулот якунида томонлар ҳарбий соҳада, дунёда тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш йўлида ўзаро ҳамкорликни янада мустақамлаш тўғрисида баёнот берди.

С О Ф И Я. Болгария Бош вазири Иван Костовнинг таъкидлашича, мамлакат ташқи қарзининг ошиб бориши оқибатида аҳоли орасида қашшоқликни бартараф этиш оғирлашиб бормокда. Шунингдек, Болгария ёшлари ўз ватанини ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлмокда.

Маълумотларга қараганда, 1999 йил охирида Болгария ташқи қарзи 9,06 миллиард АҚШ долларига етган.

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА УНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ

Буюк Британия иқтисоди 1992 йилдан буён мунтазам ўсиб келмокда. Утган йилнинг охири чорагида ялпи миллий даромад 0,8 фоиз ошди. Миллий статистика маҳкамасининг маълум қилишича, аввалги йилнинг айна давридагига таққослаганда бу 2,7 фоиз кўп. Йиллик сарҳисоб эса мамлакат иқтисодиёти 1999 йилда 1,9 фоиз ўсганини кўрсатмокда.

бир қаторда, экспортни қимматлаштиради. Бу эса ишлаб чиқариш мезонини белгилайди. Экспортнинг қимматлигига қарамай, ўтган йили ишлаб чиқариш тармоғи бошқа тармоқларга нисбатан кўпроқ ўсди.

Айрим мутахассисларнинг фикрича, кучли фунт-стерлинг мамлакат иқтисоди учун маълум қийинчиликлар туғдири-



Гарчи, 1998 йилдагидан қуйида бўлса-да, мутахассислар назарида бу рақами жобий ҳолдир. Негаки, 1999 йил бошида айрим иқтисодчилар ўсиш суръати бундан паст бўлишини башорат қилган эди. 1998 йилда эса иқтисодий ўсиш 2,2 фоизни ташкил қилганди.

Бир йил илгари ҳукумат вакиллари орасида мамлакат иқтисодиёти инқирозга юз буриши мумкин, деган хавотирда юрганлар ҳам йўқ эмасди. Бу ташвиш Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари, шунингдек, Россия ва Бразилиядаги иқтисодий таназзул сабаб дунё иқтисодиётида вужудга келган саросима туфайли пайдо бўлди. Лекин Буюк Британия молиявий бозорида даромад улушларининг сезиларли тарзда қисқартирилиши боис иқтисодиёт эҳтимолдаги талафотдан имкон қадар ҳимоя топди. Қолаверса, ишлаб чиқариш ҳажми ҳам кутилганидан юқори бўлди. Мутахассисларнинг фикрича, 1999 йилги ўсишнинг асосий омилларидан бири ҳам шу.

Миллий валютанинг кучлилиги импортни арзонлаштириш билан

ши мумкин. Яъни, миллий валютанинг кучлилиги мамлакатга келаётган хорижий сармоя салмоғининг пасайишига олиб келиши эҳтимол қилинмокда. Лекин, Би-Би-Си ахборот хизмати яқинда ўтказган тадқиқот натижаларига таяниб, Буюк Британия ҳамон йирик компанияларнинг диққат марказида турган давлат бўлиб қолаётганини эълон қилди. Маълумотларга қараганда, ўтган йили иқтисодиётга киритилган хорижий сармоя бўйича Буюк Британия дунёда иккинчи ўринда бўлган.

Иқтисодий юксалишнинг яна бир омили хизмат кўрсатиш соҳасидаги ўсишдир.

Иқтисодчилар бу йил мамлакатнинг иқтисодий ўсиш кўрсаткичи 3 фоизга етиши мумкинлигини башорат қилмокда. Умумдунёвий башоратларга келсак, 2000 йилда АҚШда 4 фоизлик, Германияда 2,5 фоизлик, Японияда 1 фоизлик ўсиш кузатилиши тахмин қилиняпти.

Фарҳод Арзиев,
УЗА муҳбири.
ЛОНДОН

Ж А З О И Р. Бу ерда Араб давлатлар лигасига (АДЛ) аъзо мамлакатлари ички ишлар вазири Кенгашининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда ушбу ташкилотга аъзо 20 дан зиёд мамлакат ички ишлар вазири иштирок этди.

Учрашувда Араб давлатларида юз бераётган уюшган жиноятчилик ва террорчилик ҳаракатига ҳамкорликда қарши курашни янада кучайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

П Р Е Т О Р И Я. Жанубий Африка Республикасида (ЖАР) икки автобус тўқнашуви оқибатида 9 киши ҳалок бўлди, 33 киши жароҳатланди. ЖАР радиоси маълум қилишича, фожеа мамлакатдаги Фарбий Кейп вилоятининг Бофор-Уэст шаҳридан чиқиб йўлида содир бўлган.

Ўтган йилнинг декабридан буён ЖАРда йўл-транспорт ҳодисаси туфайли мингдан зиёд киши ҳаётдан кўз юмган.

Л У С А К А. 31 январ куни Жаҳон озиқ-овқати дастури (ЖОД) Замбия фарбидаги анголалик қочқинларга инсонпарварлик ёрдами етказиб бериш борасида кенг миқёсли операцияни якунлади.

ЖОД расмий вакилининг таъкидлашича, бир ҳафта давомида мазкур ташкилот Ангола-Замбия чегараси яқинидаги Калабо лагерига дори-дармон, кийим-кечак ва озиқ-овқатдан иборат 210 тонна миқдордаги инсонпарварлик ёрдамини етказиб берди.

Маълум бўлишича, айни пайтда Замбияда минтақанинг нотинч мамлакатлари - Ангола ва Конго Демократик Республикасидан келган қочқинлар сони 200 мингга етган.

НАЙРОБИ. Кот-Д'Ивуарлик кутқарувчилар 30 январ куни ҳалокатга учраган Кения авиакомпаниясига қарашли самолёт йўловчиларидан 49 нафарининг жасадларини топди. Кенияга учган мазкур самолёт Обиджондан кўтарилган, бир минутдан сўнг денгизга қулаб тушган эди. Унинг бортида 179 нафар йўловчи бўлган.


"Кения эйруэйз" авиакомпанияси ҳалокат сабабларини аниқлашда иштирок этиши учун Обиджонга ўзининг 29 кишидан иборат мутахассислар гуруҳини юборган.

УЗБАК ДАВЛАТ БУХГАЛТЕРС

БҮЙИГА: 1. Илиб олиш учун ишлатилган илгак. 2. Балиқнинг тухуми. 3. Кумуш Раззоқованинг "... мени" ашуласи. 4. Болтиқ бўйидаги давлат. 5. Аёллар исми. 7. Қисқа, кичик ҳикоя. 8. Америкадаги тоғ тизмаси. 9. Фойдали қазилма. 11. Осмонга кўтарилиш, учиш. 13. Асалари мумига ўхшаш минерал. 15. Раис аёл. 16. Энг кичик заррача. 20. Ўрта Осиё хонликлари даврида: амалдорларга хизмат қилувчи қуролли соқчи. 23. Европадаги давлат. 25. Шайтон. 26. Кўзга кўринмайдиган нарсаларнинг хаёлда акс этиши. 28. Хиндистондаги шаҳар.

ЭНИГА: 5. Осиёдаги орол. 6. Ўзбекистондаги шаҳар. 10. Сув ҳавзаларида партов сувни чиқариб юбориш учун қурилган махсус иншоот. 12. Буғдой ва арпанинг пояси учида ҳосил бўладиган жой. 14. Халқаро болалар оромгоҳи. 16. Фалла ўсимлиги. 17. "... йиллар" фильми. 18. Мева шарбати тури. 19. Оёқ кийим. 21. Мухаррам ойи. 22. Ўзбекистондаги партиялардан бири. 24. ... шўрва. 26. Ўсимликлардан ажралиб чиқадиган, ҳавода қотиб қоладиган модда. 27. Дурадгорлик асбоби. 28. Оналар қўшиғи. 29. Двигателдаги сувни совитувчи асбоб. 30. Рубоб чалувчи.

Тузувчи: Саодат ОРИФЖОНОВА



ЖУМБОҚ-НИ ТОПА ОЛДИНГИЗМИ?

Газетанинг 29 январ сонидан эълон қилинган бошқотирма жавоблари

БҮЙИГА: 1. Маданият. 2. Олмалик. 3. Авлод. 4. Имкон. 5. Аждарҳо. 6. Қумушкон. 8. Абу Али ибн Сино. 9. "Хумоюн ва Акбар". 13. Обдаста. 20. Референт. 22. Ализарин. 24. Резавор. 27. Истак. 29. Макет.

ЭНИГА: 7. "Лайли ва Мажнун". 10. Оброҳа. 11. Анусун. 12. Сари. 14. Крон. 15. Қорбобо. 16. Чипта. 17. Анонс. 18. Аппарат. 19. Ибора. 21. Ражаб. 23. Бахтиёр. 25. Юсуф. 26. "Иска". 29. Ангрен. 30. Ананас. 31. Янги Каледония.

Дин йўлидан адашганларга йўл-йўриқ мақсадида берилган бир иноятдир. Аммо мана шу минг йиллаб тарихга эга бўлган улғур меросга бир тўда нокаслар арзумаган варақа-ю, куракда турмайдиган даъватли сўзлар билан қора чаплашга уринмоқдалар.

Яқинда Юнусобод тумани, Янгиобод маҳалласида "Диний экстремизм ва ақидапарастликнинг олдини олиш" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда маҳалла оқсоқоллари, ички ишлар, прокуратура ходимлари, ота-оналар, йўлдан адашиб "хизбут тахрир" ва бошқа хатарли оқимларга кириб қолган ёшлар, уларнинг тенгдошлари иштирок этди.

ЁШЛАРНИ АСРАЙЛИК

— Ўтган йилнинг 16 февраль воқеалари кўпчиликни огоҳликка чорлади. Аммо нимагадир бугун яна бироз хотиржамликка берилганмиз, - деди мажлисни очар экан, туман ҳоқими Ш.Пахриддинов. - Ёшларимизни қанчалик асрамайлик, барибир турли оқимлар уларни ўзига эргаштириб олмоқда. Бу эса шу оқимлар ортида катта куч борлигини кўрсатади. Тинч давлатимизга гараз кўз билан қараётганлар кўп. Демакки, ҳар кунгидан огоҳроқ

бўлишимиз керак.

Юнусобод туманида 16 февраль воқеалари оқибатида 3 киши вафот этди.

Саодат Эшмуродова, жабрдийда:

— Акамдан ёдгор бўлиб 2 нафар фарзанд қолди. Отам деб йиғлаган боланинг бир томчи кўз ёшининг оғирлигини бошдан ўтказганлар билади. Биз кечирувчи халқмиз. Адашган болаларни Президентимиз кечирдилар. Лекин баъзи ноқурлар яна кимлар-

нинг оиласини захарламоқчи? Шахсан мен ўз дини қолиб бошқасига эргашиб кетаётганларни ҳеч қачон кечирмасликни таклиф этаман.

Анвар қори Турсунов. Тошкент шаҳар имом хотиби:

— "Хизбут тахрир"га аъзо бўлганлар мачитга бормайди. Агар уларга савол бериб кўрсангиз Бисмиллоҳни, таҳоратни, исломнинг нималигини тушунмайди. Ислом учун жиҳод қиламиз дейди. Лекин жиҳод нелигидан

ўзи ҳам умуман беҳабар. Ҳақиқий исломни билган одам ҳатто чумолига ҳам зарар етказишдан қўрқади.


Ҳа, дарҳақиқат жамиятнинг интизом ва ахлоқий тозалик билан яшаш ва умр кечириши оилаларнинг ахлоқий саводлигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Инсон ҳузур-ҳаловат ва салимий севги-муҳаббатни, меҳр-шафқат туйғуларини оилада, ота-она бағрида топади, деб бежиз айтишмаган. "Бир болага етти қўшни ота-она", деган иборага амал қилаётганимизнинг замирида мана шундай гоғларнинг гувоҳи бўляпмиз.

М.СУВОНОВА

Мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон Бадий академиясини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони эълон қилинганга уч йил тўлди. Академия дастлабки кунлариданоқ иқтидорли бадий кўчларни жипслаштириб, санъатдаги ижодий жараёни янада ривожлантиришга киришди. Мақсадни уч йўналиш - бадий таълим, кўرғазма-ижодий фаолият ва илмий-тадқиқот ишларини такомиллаштиришга қаратди.

Камолитдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти, Республика рассомлик коллежи, тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати ҳамда вилоятлардаги барча ўқув муассасаларида таълим-тарбия жараёнлари "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Қарорлар тейёрлаш Миллий дастури асосида ташкил этилмоқда. Барча ўқув юрларида малакали мутахассис педагоглар билан янги йўналишдаги ўқув дастурлари, дарсликлар яратилмоқда ва методик негиз мустаҳкамланмоқда. Натижада уларда таҳсил олаётган кўпгина ёшлар орасида тасвирий ва амалий санъат турлари бўйича республика, халқаро кўрик-танловларнинг голиб ва совриндорлари етишиб чиқмоқда. Бир қанча иқтидорли талабалар ўз шахсий кўрғазмаларини ташкил этиб, мухлислар ҳурмати қозонишга улгурди.

Академияда тасвирий ва амалий санъат усталарининг кўрғазмаларини ташкил этиб, уларни оммага танитиш яхши анъанага айланди. Байрам ва юбилейларга бағишланган кўрғазмалар томошабинларда яхши таассурот қолдирмоқда. Айниқса, Аёллар йили муносабати билан ташкил



А. ХАМИДОВ сурати

Миллий санъат раванқи йўлида

этилган "Ўзбекистон аёллари ижоди" миллий фестивали ва шу доирада ўтказилган "Аёл қўлида олам тасвири" кўрғазмаси кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Кўрғазмада республикамиз барча ҳудудларидан етмиш бир нафар ижодкор аёлнинг беш юздан ортиқ рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик ва халқ амалий санъати асарлари намойиш этилди. Умуман, ўтган йилнинг ўзида академия томонидан эллик битта кўрғазма ташкил этилди. Уларда намойиш қилинган тўрт минг уч юзга яқин асарни 235 мингдан ортиқ санъат мухлиси томоша қилди. Ўзбекистонлик тасвирий ва амалий санъат усталарининг АҚШ, Франция, Германия, Белгия, Хиндистон, Малайзия, Туркия каби мамлакатларда ўтказилган кўрғазмалари ҳам миллий санъатимиз довуруғини жаҳонга кенг ёйишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бадий академияда истеъодли ёшларни аниқлаш ва уларга ортиқ ёрдами кўрсатиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Шу мақсадда пойтахтдаги бир қатор меҳрибонлик уйлари билан яқин алоқа ўрнатилган. Таниқли мўйқалам усталари иқтидорли болалардан ижодий ғуруҳлар тузиб, машғулотлар ўтказдилар. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида ижодий танловлар ўтказиш ва голибларнинг кўрғазмаларини ташкил этиш ҳам яхши анъана бўлиб қолди. Ёш рассомлар академия томонидан зарур ашёлар билан таъминлаб турилади.

Юртимизда тарихий шахсларни аниқлаш, қадриятларимиз, маънавиятни тиклашга катта эътибор берилаётган. Юбилейлари нишонланган буюк аждодларимиз сиймоси, ёдгорлик мажмуалари лойиҳасини яратиш эса Бадий академия зиммасига юклатилди. Академия ўтказган оқибат танловлар натижасида Камолитдин Бехзод, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Жалолиддин Мангуберди, Алломиш сиймолари яратилди. Айни кунларда Имом ал-Мотрудий ва Бурҳониддин Марғиновий ёдгорлик мажмуалари лойиҳаси учун танлов давом этмоқда.

Ўзбекистон Бадий академиясини Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг ишлари ҳам таҳсинга лойиқ. Олим ва мутахассислар олиб бораётган тинимсиз илмий изланишлар самараси улароқ миллий мусиқамиз ва санъатимиз тарихини ўрганиш ҳамда тиклаш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилди. Айниқса, археология бўлими ходимлари эришяётган ютуқлар диққатга сазовор. Улар япониялик олимлар билан ҳамкорликда бир неча йилдан бери Сурхондарё вилоятининг Айриғом, Қоратепа, Фаёзтепа, Далварзинтепа, Зўрмула каби ҳудудларида археологик қазилма ишлари олиб бормоқдалар. Шундай илмий изланишлар натижасида топилган еттита будда ҳайкали ўтган йили Япониянинг Токио, Нара, Ямагучи шаҳарларида намойиш этилган "Буюк ипак йўли" халқаро кўрғазмасида катта шухрат қозонди.

Пировардида айтиш жоизки, Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъати, санъатшунослигини ривожлантириш, дунёга танитишда Бадий академия асосий восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Б.МАНСУРОВ,
ЎЗА мухбири

РОССИЯЛИК ШОХЛИ ОДАМ

Улан-Удэ шахрилик киши бошининг икки томонидан қаттиқ нарса — шох ўсиб чиқяпти. Бечора маҳаллий шифокорларга мурожаат этди. Жарроҳлар шохни кесиб ташлашди. Бирок ҳеч қанча вақт ўтмай, у яна буй кўрсатди.

"Труд" газетаси муҳбирининг хабарига кўра, Улан-Удэ ирсият лабораторияси мудири Валентина Царевна бу атроф-муҳитнинг ифлосланиши, экологик муаммолар оқибатида содир бўлганлигини билдирибди. Кейинги пайтда бу ерда ҳар йили 180 га яқин ғайриоддий гўдаклар дунёга келмоқда. Уларнинг орасида олти бармоқли болалар, кўкраксиз қизлар ва ҳатто ... думли чақолоқларни ҳам учратиш мумкин.

БЕВАЛАР НОРДОННИ ЁҚТИРАДИ

Тажирибали сотувчи дўконга кирган одамга қараб дарров унинг кимлиги ҳақида хулосага келиши мумкин. Англиядаги супермаркетлардан бирида харидорларнинг оилавий шароити уларнинг қандай меваларни ёқтиришига таъсир этишини ўрганилди. Тинчимаган инглизларга бу нимага керак бўлиб қолганини айтиш қийин-у, аммо уларнинг кузатувларига кўра агарда келишган йигит олхўри харид қилаётган бўлса, билинги, у уйланган, бой ва олий маълумотли. Пенсия қариялар нокни ёқтиришаркан. Бева аёллар нордонгина лимон, қизлар кўпроқ хурмо сотиб олади. Ёш бўйдоқлар апельсинга, уларнинг оилалари тенгдошлари гилос ва олмага ўч. Кўп болали ота-оналар мевалар ичидан узумни хуш кўраркан.

"ОСИЁ БАРСЕЛОНАСИ" НОКАУТДА

Осиё кубоги эгалари кубоги баҳсларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган Наманганнинг "Навбахор" жамоасини "Осиё Барселонаси" деб мақташга одатланиб қолдик. Дастлабки босқичда Қозоғистоннинг "Қайсар" жамоасининг зафарли юришига чек қўйиб, Саудия Арабистонининг "Ал-Ахли" жамоасига рубару келган навбахорчилар футболимиз тарихига яна бир шармадаларча мағлубиятни ҳада этди. Саудияликлар жамоамизни совуққина кутиб олишди. "Навбахор" дарвозабони Башкевич ўйинда қатнашмади. Унинг ўрнига иккинчи дарвозабон майдонга тушди.

"Ал-Ахли" ўйинчилари дастлабки дақиқаларданок "ўз уйим — улан тўшагим" қабилида тўп суриб, навбахорчилар дарвозасига оз эмас, кўп эмас 5 тўпни ҳада этишди.

Иккинчи бўлимда асосий дарвозабон майдонга туширилсада ўйин тақдири ҳал бўлганди. Араблар пеналятидан яна битта тўп киритган бўлса, "Навбахор" ҳам ягона гол киритди. Ҳисоб: 6:1 ҳисобда яқунланди.

Жавоб учрашуви "Навбахор"да ўтказилса-да, жамоанинг кейинги босқичга чиқишига ҳеч қим қафолат беролмайди. Нима бўлганда ҳам "Осиё" Барселонаси нокаутга учради.

Шухрат ТОЖИЕВ

СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

Тошкент вилоятининг бетакрор гўшаларидан бири бўлган Паркент нафақат парилар кенти бўлгани билан, балки машҳур спортчилари билан ҳам кўпчиликка таниш.

Яқинда "Камолот" жамғармаси туман бўлими ташаббуси билан ёшлар ўртасида спорт ойлиги ўтказилди. Мактаб ўқувчиларидан тортиб турли ҳўжалигу корхоналарда спортнинг барча турлари бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Миллий курашга қизиқиш бу туман ёшлари орасида катталиги яққол сезилди. Қизлар ўртасида 5 кмга югуриш мусобақасида ўқувчилар ўқитувчилари билан тенгма-тенг қатнашди.

Турли соҳа вакилларида голиблар топилди. Қимматбахо совғалар улашилди. Аммо асосийси бу эмас. Ташкилотчиларнинг мақсади битта — келажагимиз бўлган ёшлар соғ бўлса бўлгани.

А.МАГДИЕВ

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир
Назокат УСМОНОВА



Таҳририят:

Бош муҳаррир — 133-89-61
Қабулхона — 136-59-38
Хатлар бўлими — 133-79-69



Манзилимиз:

700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтан назаридан фарқланиши мумкин.